

Ўзбек адабиётининг сермаҳсул ижод сохибларидан бири Шукрулло (Шукрулло Юсунов) 1921 йили Тошкентда дунёга келди. Бошлангич таълимни олгач, педагогика билим юрти (1935), Тошкент Давлат педагогика билимгохидаги (1944) хамда Тошкент Давлат дорулфунуни кошидаги аспирантурада тахсил кўрди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, бадиий адабиёт нашириётида мухаррирлик килди.

Шукруллонинг биринчи шеъри «Бахт конуни» 1939 йилда, дастлабки шеърий тўпламлари — «Биринчи дафтар», «Калб кўшиклари» 1949 йилда нашр этилди. Ўзбек пахтакорларининг мардонавор кураши, янги ерлар очишдаги фидокорона меҳнатларидан хикоя килувчи «Чоллар» (1948) асари билан у шеъриятимизда достончилик жанрини ривожлантиришга муҳим хисса кўшди. Давримизнинг юксалиш йўлидаги муҳим погоналари, ўзбек дехконларининг фидокорона меҳнати, халклар дўстлигини куйлаш, замонамиз кишилари онгига Ватан тушунчасининг мукаддаслигини ифодалаш учун «Россия», «Икки коя», «26 тонготари», «Достонлар» (1970) каби асарларига мавзу бўлган.

Адаб ижодида инсоннинг маънавий камолотини куйлаш биринчи ўринда туради. У асарларида дастлаб хаётимиздан четда колганларни каттиқ коралайди, кишиларни инсон деган шарафли номга муносиб бўлишга чакиради, инсонни улугловчи фазилатларнинг энг буюги меҳнат деб билади. Унинг бу фикрлари «Хаёт илхомлари», «Умрим борича», «Инсон ва яхшилик» (1961), «Инсон — инсон учун» (1964) шеърий тўпламларида ўз ифодасини топган.

Шукрулло болалар учун хам ижод килди. Унинг «Бахор совгаси» (1962), «Юлдузлар» (1964) каби китобларида дўстлик, Ватанга мухаббат, она юрт табиатини улуглаш гоялари тараннум килинади.

Шоирнинг «Россия», «Икки коя», «Икки ёшлиқ» сингари шеърий тўпламларини кардош ва хорижий халклар ўз она тилларида севиб ўқийдилар. Адаб драматик асарлар хам яратди. Унинг «Хатарли йўл», «Табассум ўгрилари» (1977), «Ўгрини карокчи урди» (1984) драмалари республикамиз театрлари сахнасида намойиш килинган.

Шукрулло “Зарралар” (1973), «Суянчик» (1977), “Яшагим келади” (1978), «Сенинг бахтинг» (1986), шеърий мажмуаларини хамда «Кафансиз кўмилганлар» романини ўкувчилар хукмига хавола этди. У ўзининг “Зарралар” тўпламида ўзбек шеъриятидаги рубоий жанрини янги мазмунда давом эттиради. Уларда хаёт сабокларидан чиқариладиган катта мазмундаги хуносаларини ихчам, лўнда ифодалаб берди.

У ўзининг “Тошкент, 26 тонготари” достони учун Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Шукрулло хам катагонлик даврининг иккинчи тўлкини жабрини чеккан, Сибирга бадарга этилган ўзбек ижодкорларидан бири, шўро хукумати лагерларида оғир азоб-укубатларни ўз бошидан кечирган жабрдийдалардан бири хамдир. Унинг

«Кафансиз кўмилганлар» романни ана шу воеаларнинг бадиий ифодасидир. Шукрулло хам ижодкор, хам жамоат арбоби, айни пайтда Ўзбекистон Президентлик Кенгаши аъзоси вазифасида фаоллик кўрсатмокда. У Ўзбекистон халк шоиридир.